



МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДАМИ?

Сўнги вақтда оммавий ахборот воситалари ички ишлар ходимларининг фаолиятларини кўпроқ ёритмоқдалар. Бу бежиз эмас. Ҳуқуқ-тартибот посбонларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялашиши ҳақида қарор қабул қилингани билан уни татбиқ этиш қийинчилик билан кечяпти. Шу боис, унинг атрофида бўлаётган баҳслар ҳануз давом этмоқда. Ўқимини кутаётган муаммолар йўқ эмас.

Йилдан йилга хизматини ўташ чоғида ҳалок бўлаётган ходимлар сонни кўпаймоқда. Халқ орасидаги обрўси ҳам мақтагулик эмас. Шунинг учунми, унга шу элнинг, юртининг фарзанди деб эмас, кўкдан тушган «мелиса» деб қарашади. Бироқ бир қарашда кўзга яққол ташланмайдиган ушбу камчиликлар идораларда ахлоқий муҳит, фаолликнинг сусайиши, кадрлар муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Кейинги пайтларда бир қатор ижобий ишларга қўл урилди. Лекин жиноятчи, нисбатан қурол ишлатиш каби оғир масалада ноаниқлик ҳукмрон.

Масаланинг яна бир томони ходимларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаънига қасд қилган қонунбузарларнинг суд ҳакамлари тарафидан енгил жазоланишидир.

Қонундаги бу очиқ жой шу даражадаки, баъзан ички ишлар ходимларининг кўрсатмаларига ишонмаслик, шубҳаланиш оқибатида қонунбузар оқланади, жиний ишлар бекор қилинади ва ҳоказо.

Жисмоний қаршилик кўрсатиш, бўйсунмаслик, ҳақорат қилиш каби фактлар бўйича шахсларни маъмурий жазога тортиш учун судгача кечадиган жараён ҳам жуда мураккаб. Шу вайдан кўпчилик ходимлар ортиқча вақт сарфламаслик, асабларини бузмаслик йўлида ушбу «машмашалардан» кўнгилли равишда воз кечишади. Бу эса қонунбузарлар, наинки улар, ҳатто жамоатчилик олдидан милициянинг обрўсини бир пул қилади.

Бухоро вилояти ИИБда ходимларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинганда, айрим фактларга дуч келдик.

Вилоятда ўтган йили ички ишлар ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмаганлик тўғрисида 29 факт қайд этилган эди. Бу йилнинг 6 ойи мобайнида 253 та воқеа ҳужжатлаштирилиб, 6 тасига жиний иш очилган. Уларнинг 3 таси бекор қилинган.

36 киши маъмурий жазога, 191 нафар турли миқдорда жарима тўлашга ҳукм қилинган. Умумий жарима миқдори 17520 сўмни ташкил этди.

Осойишталик посбонларининг қонуний талабларига бўйсунмаган, ҳурматсизлик ва ҳақорат қилганларнинг аксарияти ҳеч қаерда ишламайдиганлар.

Шу йилнинг 6 май куни Бухоро шаҳар ИИБ кўчасида яшовчи Г. Султонова безорилик қила бошлаган. Тартибга қақирган участка вакили милиция катта лейтенанти Т. Мўминовга пичок билан ташланиб, енгил тан жароҳати етказган. Жароҳати ҳаёт учун хавфли бўлгани учунми, прокуратура ишни бекор қилган.

17 майда Бухоро автовокзали ёнида ғирт маст З. Субҳонов ва Н. Ёқубовлар ўтган-кетганининг йўлини тўсишган. Участка вакили милиция лейтенанти А. Раҳимовнинг қонуний талабига бўйсунмиш ўрнига уни яхшигина калтаклаб, тан жароҳати етказишади. Бироқ бу ишни ҳам прокуратура бекор қилади.

Ҳўш, унда «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қонун ким учун?

Агарда милиция ходимини урган, ҳақорат қилган шахсни прокуратура жазога тортмас, бу ҳуқуқни милицияга берсин. Наҳотки, милицияда терговни олиб борадиган билмидонлар йўқ?

Ўтган йилнинг 16 февралда ИИБ ЖҚБ оператив вакили Ю. Раҳматовга бир гуруҳ безорилар тан жароҳати етказганлар. Материаллар Тўқимачилик тумани прокуратурасига юборилган. Аммо бу даргоҳ вакиллари жиний иш қўзғатишни маъқул топишмади.

Орага вилоят шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими тушди. Икки ўртадаги «музокалардан» сўнг иш қайта терговга жўнатилди. Ҳанузгача бирон натижа йўқ.

Энди калтаклашиб, аламини ичига ютган ходимни тасаввур қилинг. Кечаю кундуз ҳузур-ҳаловатингиздан кечиб той боқсангиз-у, у бир куни келиб сизни тепса. Эртасигаёқ баҳрдан ўтасиз-қўясиз. Аммо ўзингиз қўриқлаётган қонун сизни ҳимоя этолмас, ундан юз ўтиролмайсиз. Қўлингизни ювиб, қўлтигингизга урасиз. Ёки насбингизни ўзгартириш ҳақида бош қотирасиз. Лекин бунинг ҳам иложи йўқ. Чунки биласиз, милицияда ишлаганларни фуқаролик ташкилотлари кўпам ёқтиришавермайди. Мабодо бирон ивogar юқорига хат юборса,

ҳам дарров Сиз нишонда бўласиз. Шунинг учун шаштингиз пасайиб, қуруқ савлатингиз ишга бориб келаверади. Хизматга ижодий ёндашиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Қани унга раббатлантирувчи куч? Топталган шаънингиз, синган ҳамиятингизми? Ёҳуд кўча-кўйда: «Калтак еган мелиса мана шу» — деб намойишкорона кўрсатишларми?

1990 йил 24 декабрда рейд ўтказиш чоғи Файзулла Хўжаев тумани ИИБ ДАН ИПХ бўлинмаси ходими милиция сержанти И. Шодмонов тунги соат 3 дан 15 дақиқа ўтганда, катта тезликда келаётган «ВАЗ-2106» белгили уловга тўхташ ишорасини қилди.

Машина ҳайдовчиси А. Саидов тезликни янада ошириб, қасддан тўппа-тўғри унинг устига ҳайдади. Сержант ўзини йўл четига отди. Аммо... касалхонада унинг ўнг оёғини кесиб ташлашга мажбур бўлишди.

Адолатпеша туман халқ суди жиний ишни шу йилнинг июль ойида кўриб чиқишга вақт топди. Жиноятчини 3 йилга озодликдан маҳрум этди. Бир оёқнинг баҳоси 3 йил эканда-а?!

Юқоридаги мисоллардан кўрииб турибдики, ходимларимизнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялашиш даражаси етарли эмас. Уни пухта, қатъий қонунлар билан мустаҳкамлаш зарур. Ижросида эса изчиллик ва тезкорлик керак. Зеро ҳар бир ходим жиноятчи билан юзмаюз келишдан қўрқмасин, ўзини муҳофаза этишда иккиланмасин.

Бугунги кунда ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоялашиши мустаҳкамлаш йўлида вилоят ИИБ суд, прокуратура билан алоқаларни яхшиламақда. Бошқармада ва жойларда тажрибали ҳуқуқшунослардан иборат жамоат ҳимоячилари сайланган. Бухорода шаҳар адвокатлар ҳайъати кенгаши билан келишилган ҳолда малакали ҳимоячилар ёлланган. Улар ИИБ ходимларига нисбатан кўриладиган суд жараёнида иштирок этишиб, зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар. Уйлаймизки, бу тадбирлар ходимларимизнинг шаъни ва обрўсини сақлаб қолишда ўз самарасини беради.

Рустам ХАЛИЛОВ,

Ўзбекистон жумҳурияти ИИБ шахсий таркибни ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва тарбиялаш бошқармаси ходими милиция катта лейтенанти.



Янгйер шаҳар ИИБда жиноятчиликка қарши курашишда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда бўлинмаларнинг ҳамкорлигида, уюшқоқлик билан иш олиб бориш жуда яхши натижа берапти.
Суратда: ИИБ бошлиғи ўринбосарлари (ўнгдан) Худойберди Нусретов, Рустам Умаров ҳамда Умар Мелиевлар ўзаро маслаҳатлашишмоқда.
Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ҚИСКА ХАВАРЛАР

ЎҒРИ ҚИДИРИЛЯПТИ

16 сентябрь куни соат саккиз ва ўн бирлар оралиғида Акмал Икромов туманидаги Саккокий кўчасида истиқомат қилувчи Насиба Солиҳжонова хонадонида ўғирлик юз берди.

Номаълум шахс девордан ошиб тушиб, уй эшигини син-

дириб, ичкарига кирган. 6 хил тилла буюмларни, Хитойда ишлаб чиқарилган, нархи 600 сўм турадиган магнитофони ҳамда қўлга олинадиган 26 хил нарсаларни олиб чиқиб кетган.

Ҳозирги кунда туман ИИБ ходимлари қидирув ишларини олиб боришмоқда.

НАША ТОПИЛДИ

Калинин туманидаги «Расвет» жамоа ҳўжалиғида истиқомат қиладиган 35 ёшли Александр Слепнини маст ҳолда ўз оиласининг ва кўни-кўшинларининг ҳаловатини бузди.

Ҳа, деганда тўполонини бас қилвермади.

Тоқати тоқ бўлган қўшинлардан бири бу ҳақда ИИБга сим қоқиб, хабар қилди.

Тинчлик посбонлари уни тинчлантирдилар ва тинтув пайтида ёнидан наша топиб олдилар.
Р. УСМОНОВ.

«ОМАД ТИЛАЙМАН!»

«Поста» рўзномаси таҳририятига келаётган мактублар оқими кун сайин кўпаймоқда. Уларнинг аксариятида муаллифлар яқинда Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазири этиб тайинланган милиция полковниги З. Алматовга ўз табрикларини етказишимизни сўрашади.

«Мен у киши билан оддий участка вакили бўлиб ишлаган пайтидан бошлаб танишман, — деб ёзди истеъфодаги милиция подполковниги Саттор Ғаниев. — Уртоқ Алматов билан то кексалик нафақасига кузатилганимча, аннқроғи 1986 йилгача бирга ишладим.

У ўзининг фаолияти давомида ички ишлар соҳасидаги барча хизматларда ўз куч ва

имкониятларини синаб кўрди.

Қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, ҳамкасблари ўртасида ўз ишининг моҳири, билими, тиришқоқ ва тадбиркор раҳбар сифатида ҳурмат қозонди.

У вазир лавозимига энг яхши ва муносиб номзод эди, энди эса ана шу юқори лавозимда давлатимизга ва халқимизга катта наф келтиради.

Мактубим охирида муҳтарам вазиримизга аввало мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, уюшган жиноятчиликка қарши курашда эса каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

Янги лавозимда омад сизга ёр бўлсин, Зокир Алматович!»

ҚАЙНОТАНИНГ «ИБРАТ»И

Яқин-яқинларгача ота-боланинг бирга ўтириб, қадаҳ уриштириши кўз кўриб, кулоқ эшитмаган нарса эди. Энди эса аҳён-аҳёнда бўлсада, ана шундай хабарларни эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлаяпмиз.

— Уғлим А. Пирматовнинг туғилган кунини бирга билдик, — дейди жабрланувчи Жалилов. — Икки шиша вино ичдик. Кейин кўчага чиқиб, Мельдзин ва Шокировларни ўтириб, улфатчилик қилишаётганини кўриб қолдим. Уларга қўшидим. Янги улфатларим пул бериб туришди, икки-уч марта вино олиб келдим. Анча маишат қилдик. Охири марта Шокиров менга 25 сўм берди. Лекин кайфим олиб қолгани учун яна ичимлик келтириш ўрнига, уйга кириб, ухлаб қолибман.

Улфатлари уни узоқ кутишди. Чунки нафслари ўртаб турарди. Охири чидашолмади. Жалилов хонадонига кириб, кўнғироқни босишди.

Эшикни ширакэйф А. Пирматов очди. Уртада низо чиқди. Шокиров мезбонни бир мушт уриб, ерга қулатди. Кейин таклифсиз ичкарига «қадам ранжидан» қилишди.

— Сизларга нима керак? — деб сўради уй бекаси Лена. — Қайнотанг биздан 25 сўм олиб, қочиб қолди, чақир, гаплашиб оламан йигитчасига!

Лена ақл-хушини йўқотган бу мастлардан тезроқ қутилиш учун 35 сўм узатди. Шокиров 25 сўмни олди, 10 сўм эса полга учиб тушди.

Аммо шу пайт ичкарида дам олаётган Жалилов чиқиб келдию тўполон яна авжига минди. Мельдзин ғазаб отидан тушмаганлиги учун унинг юзига бир мушт солди. Оғзи-бурни қонга бўялган қайнота полга йиқилди.

Ақмал Икромов тумани халқ суди яқинда бу ишни атрофлича кўриб чиқиб, бировнинг хонадонига бостириб кирган Мельдзин ва Шокировларни муносиб жазога ҳукм этди.

Қайнотасининг хурмачага сиймайди қилиқларидан безор бўлган Лена эса эрини эргаштириб, онасиникига кўчиб кетди.

Алп Эрдон.

Кекса ҳамкасбларимизнинг ҳаёт йўли эса биз орзу қилган ўша мактаб. Шунинг учун ҳам улардан кўп нарсаларни ўрганишга интиляпмиз.

Умр ўтаверар экан. Мана, биз қисқача ҳикоя қилган Салоҳиддин ота Исмоилов ҳам бир асрни қоралаб қолибди. Бу даврнинг қирқ йилдан ортиги халқ осойишталигини сақлаш, мулкимизнинг дахлсизлигини таъминлаш ишига сарфланган. Улар беиз кетмаган. Меҳнат фаолияти давомида Салоҳиддин ота «Қизил Байроқ» нишони, «Жанговар хизматлари учун», «Бенуқсон хизматлари учун» медаллари, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

Ҳозир отахон қариллик гаштини сурмоқда. Уғил-қизлари, набираларини воёга етказмоқда. Вақт топиб тез-тез ички ишлар бўлимига ҳам ташриф буюради. Ҳар бир ташриф қизиқарли суҳбат ва мулоқотлар билан кечади...

Яхши инсонларнинг умри боқий!

Юсуфбек МҲМИНЖОН ўғли, Шаҳрихон шахри.

бўлимида ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

— Салоҳиддин ота бўлимизга тез-тез келиб туради, — дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Анваржон Зокиров. — У ҳар гал ташриф буюрганда, бизга бошидан кечирган суронли даврлар ҳақида сўзлаб беради. Ҳар қандай қонунбузарлик

Ҳар сафар уни қолдиришарди. Ниҳоят, 1942 йил октябрь ойининг охириларида фронтга жўнади.

Ростов-Дон шахрини, Қримни фашистлардан озод қилишда фаол иштирок этди. «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланди. Сержант ҳарбий унвони берилди. Шароит тақозосига кўра у хизмат қилган отлиқлар полки 1-Украина fronti таркиби-

ФАХРИЛАРИМИЗ

АСР ТЕНГДОШИ

га ўтказилди. Фронт қўшинлари сафида жанг қилган Салоҳиддин Польша, Германияни фашистлардан тозалашда матонат кўрсатди. Ҳарбий хизматини 1945 йил май ойида Прага шахрини озод қилиш билан якунлади.

Урушдан кейинги йиллар Салоҳиддин Исмоилов учун янада ташвишли, сермашаққат бўлди. У яна милиционер формасини кийди. 16 йил, яъни 1961 йилгача Москва тумани ички ишлар

ларга қарши қатъиятлироқ чора кўришимиз зарурлигини таъкидлайди. Қисқаси, бундай тажрибали, кўпни кўрган кекса отахонларимиз — ҳамкасбларимизнинг ҳар бир маслаҳати бизга анча нарса беради. Жумҳуриятимизга мустақиллик берилган ҳозирги пайтда фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш милиция ходимлари зиммасига масъулият юклайди. Ҳуқуқбузарликка қарши курашишда катта тажриба мактаби зарур.

милиция қидирувида бўлган Мухтор Дўсमतов экан. Унинг шериги 1969 йилда туғилган, Навоий шаҳрида яшовчи муқаддам судланган Истам Санақулов бўлиб чиқди.

Бўз туманида ҳалол хизмат қилиб келаётган бундай

милиция ходимлари кўплаб топилади.

С. СУЛАЙМОНОВ. СУРАТДА: Бўз тумани ИИБ ДАН инспектори милиция катта сержанти Обиджон Исмоилов ҳайдовчи ҳужжати текширмоқда. Гуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.



Фуқаролар, Улуғ Ватан урушларининг суронли йилларини бошдан кечирган, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликка қарши курашнинг ташвишли, сермашаққат дамлари билан йўғрилган ҳаёт йўлини босиб ўтган кишиларнинг бир аср умр кўриши ҳақида гапирганда, кўпчиликнинг ишонини қийин.

Аммо Шаҳрихонда шундай киши бор. У — Салоҳиддин Исмоилов.

...Салоҳиддин 20-йиллар бошида, яъни 19 ёшида жанговар ҳаётга қадам қўйди. У ўша даврларда тузилган халқ милицияси сафларида хизмат қила бошлади. Шаҳрихонда ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш, жиноятчиларга қарши курашишда фаол иштирок этди. 1935 йилгача ўз бурчига садоқат билан хизмат қилди. Кейинчалик, Улуғ Ватан уруши бошлангунга қадар туман (ўша вақтда Сталин тумани деб юритиларди) техника таъмирлаш бекатида тер тўқди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда Исмоилов бир неча бор ҳарбий комиссариатга ариза кўтариб борди.

ЧАП БЕРИШОЛМАДИ

Эрта тонг бўлишига қарамай катта йўлда чайқалиб келаётган «Москвич» энгил автомашинаси Бўз тумани ИИБ ДАН ходими милиция катта сержанти Исроилжон Хўжаназаров ва ИИБ постпатруль хизмати милиционери Икромжон Охуновларнинг эътиборини жалб этди. Улар сергаклик билан машинага тикилишди. Рулда ўтирган ҳайдовчи маст эканлигини фаҳмлаш қийин эмасди. Машина яқинлашган сари унда давлат рақами йўқлиги ҳам яққол кўзга ташланди. Текшириш учун машинани тўхтатишди. Бироқ автомашина рулини тутган ҳайдовчи ҳеч қандай ҳужжат кўрсатолмади, унинг жавоблари эса милиция ходимларида гумон уйғотди. Бевозталиқ билан тезроқ қутулиб қочишга ҳаракат қилаётган ҳайдовчи ҳамда унинг ёнида ўтирган кишини Бўз тумани ички ишлар бўлимига олиб келишди. Осонликча қармоққа илинмасликни касб қилиб олган бу икки дўст ҳар қанча чап беришга уринмасин, барибир бўлмади. Ўз ишининг устаси бўлиб кетган оператив ходимлар уларнинг «Москвич — 412» белгили Т 05-70 ТШ рақамли автомашинани ўғирлаб кетиша-

ётганини аниқлашди. Ўғирланган машинани маст ҳолда бошқариб кетаётган ҳайдовчи 1968 йилда Чуст шаҳрида туғилган, илгари уч марта судланган ва

Бўстонлиқ тумани баҳаво. Бу ерлардан дала ҳовлилик бўлишни ким хоҳламайди дейсиз?

Икки марта судланиб чиққан Николай дала ҳовлиларининг ўғри ҳаётида қандай аҳамиятли эканлигини кўп синаган. Ўзига қадрдон бошпаналарни ўмариб юрган Николай Баранов бир кун тасодифан...

Николай бу уйнинг эгаси яқиндагина кетганини биларди. 15-20 кунгача келмаслигини ҳам. Аста эшикни очди. Қадам ташлаган ҳамон эшик қийқиллаб ёпиқди-ю, курагига қаттиқ бир нарса тиралди. — Хуш келибсан. Қуролнинг ташла-чи!

— Менда ҳеч қанақа қурол йўқ. — Пичоқни ташла. Қалитлариням.

Николай ҳазиллашиб бекорлигини тушунди. — Энди тўғрига юр. Ҳа!

— Э, огайни, сенмисан? Қайси бўронлар учирди? Учрашган жойимизни қара-я! Оғир жиноятлари учун жазо муддатининг қаттиқ ре-

жимли колонияда ўташ чоғида қаттиқ ялашган Николай Баранов ва Сергей Руснаклар ана шу тариқа яна учрашди. Тонггача чақчақлашиб, ўтган кунларини, сим ортида қолган дўстларини ёдга олишди. Ҳар иккиси шогирдлар ҳам

ДАЛА ҲОВЛИЛАРИНИНГ «ҲАҚИҚИЙ» ЭҒАЛАРИ

ортиришга улгуришган экан. Уларни иш билан таъминлаш ниятида эртанги кун режасини пиштириб, уйқуга кетдилар.

Биринчи ҳамкорликдаги ўлка ёмон бўлмади. А.нинг 17 турдаги 2167 сўмлик буюмларини ўғирликнинг ҳар бир аъзоси тенг бўлиб олди. Аммо йиригига ўрганган Николай бундан қониқмади. Шундай қалтис, таҳликали ишдан арзиманган улушли бўлса, Ваҳоланки, битта кўйлак ҳам ўғирлик, 100 таси ҳам. Бунинг усти-

га иккита меровни айтмай-сизми, Майли, шунақа қилиб тажриба орттирмасан, қачон қўли ўрганади. Тузоққа тушсан, чалғитишга ҳам осон.

Николай шу хаёллар билан кўзлаган манзилига етди. Бир кечанинг ўзида О.

Нинанинг 555, А. Александрнинг 1338, Е. Рихсибойнинг 586 сўмлик буюмларини, С. Фаинанинг бир бош қўйини ўмарди.

С. Руснак дўстининг қилмишидан огоҳ топгач, анчагача ўзига келолмади. Ҳа, опанаси пишиқ экан. Демак, у ўйиндан чиқмоқчи. Вой, муттаҳам-ей! Шошмай турсин ҳали...

Афсус, ўзи қидирувда-да. Бўлмаса, тоза адабини берарди Николайнинг. Мана шундайларга куни қолмасди. Ҳай, майли. У газабини

аранг ютиб, Сергей Андреевни ишга бошлади. Бир неча соатга қолмай Н. Аркадийнинг 516, А. Дамирнинг 100, К. Сергейнинг 182, Н. Татьянанинг 821, Т. Натальянинг 216, В. Сергейнинг 115 сўмлик нарсаларини ўзлаштиришди.

Қасддан қилгандай Николай ҳам тинч ўтирмасди. А. Абдужабборовнинг 300, А. Лазарнинг 845 сўмлик молмулкни ўғирлаб, пулга қақди.

Бу гуруҳнинг узоқ муддат, сермахсул фаолият кўрсатганига асосий сабаб шундаки, дала ҳовлилари соҳибларининг жиноят юз берганини анча кейин билиб, кеч хабар беришгандир. Тўғри, олис жойга кунда бориб туришнинг иложи йўқ. Эшик қулфлари эса ҳалигидай. Бироқ бу борада ҳам

уларга бирор эътироз билдириб бўлмайди. Чунки ҳозир ўғри очаман деса, очилмайдиган қулф борми? Тўғриси ўйлаб-ўйлаб, жабрланувчиларни юпатадиган сўз топмадим. Қимматбаҳо буюмларингизни дала ҳовлиларда сақламанг, дея маслаҳат берай десам, ҳозир ҳамма нарсани қиммат. Шунинг учун дала ҳовлилари сотиб олиш армонида юрганларга айтаман. Сира куйинманг. Чунки у ерга яна бир ойнанжаҳон, музлатгич, палос, кўрпа-тўшак, қозон-товоқлар керак бўлади.

Дўконларда эса йўқ. Тижоратда фалон пул. Уларни ўмариб кетишса, икки қўлингизни бурнингизга тиқиб қоласиз. Шунинг учун маслаҳатим: то бирорта ўғри қолмагунча сабр қилинг. Ҳанда шип-шийдан уйни кўриб, юрагингизни чангаллаб қолмайсиз. Пулингиз ҳамёнингизга сиймай кетаётган бўлса, тижорат дўконига кириг.

Ҳусан ИКРОМОВ, милиция катта лейтенанти.

ЎЗ-ЎЗИГА ҲУКМ

«Ишлаб чиқариш тавсифномаси.

Бўка хўжаликлараро бўрдоқчилик корхонасининг собиқ директори, 1939 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, партиясиз Абдувоит Сотиболдиевга.

Ўртоқ А. Сотиболдиев Бўка хўжаликлараро бўрдоқчилик корхонасида 1972 йили ветеринария врач бўлиб иш бошлади. 1974 йили корхона директори лавозимига қўйилди.

Иш фаолияти даврида ўзини яхши томонлари билан кўрсатди. Хўжалик чорвачилик соҳасида маълум муваффақиятларга эришди: моллар боши кўпайтирилди, қўшимча молхоналар ишга туширилди, озуқа базасини яратиб мақсадида шудгор ерлари кенгайтирилди. Ишчиларнинг ижтимоий, маданий-мансий шароитлари яхшиланди.

Ўрт. А. Сотиболдиев раҳбар сифатида ишлаб чиқариш кўрсаткичларини доимий бажариб келган.

Ўтган йилнинг 9 ойн мобайнида давлатга йирик қорамол гуштини топириш планини 132,3 фоизга бажарган.

Илгари А. Сотиболдиев фаолиятида ҳеч қандай салбий ҳатти-ҳаракатлар бўлмаган.

А. Сотиболдиев камтар, яхши ота, ўн икки фарзанди бор, ишчан, жамоада ва бирлашмада балинд обрўга эга. Тошкент вилояти «Гуштсўтсаноти» бирлашмаси раиси Ш. МУСАЕВ».

кўрсатмаси (т. 7 100—106 и. в.).

Бойвачча директоримизнинг ишлаб чиқариш тавсифномасида тилга олинмаган яна бир фазилати намоян бўлиб қолди. Тасаввур қилинг: вагонда давлатнинг 4304 ва шахсан директорнинг 75 бош қўйи келяпти. Албатта, йўлкира ва бошқа чиқимлар кийини йўғу чўнтаги бор давлатнинг ҳисобидан. Шундай экан, нега энди у икки бош қўйни йўл-йўлакай еб келмас экан? Агарда ўзиникидан битта, ҳукуматникидан битта еса нима қилувди? Унинг ўрнида сиз бўлганингизда нима қилардингиз?

Чирчиқдаги «ЎзКТЖМ» заводига қарашли бўрдоқчилик ташкилоти хизматчилари Н. Шодиев ва Н. Қодирлар қўй сотиб олиш мақсадида директор қабулига кирдилар. Бу савдодан ўз ҳисобига фойдаланмоқчи бўлган Абдувоит бажонидил розилик берди. Килоси 1 сўм 86 тийиндан 25 бош жонивор ташкил этган 1150 килони ҳисобланг. Лекин у ўзининг уральслик қўйларидан 25 тасини қўшиб, қалбаки ҳужжат билан 1000 сўмга сотиб юборганида миси чиқди.

Шу ўринда бир мактубни тўлалигича келтиришни лозим топдим.

«Бўка тумани ИИБ бошлиғи милиция майори Абдумаликов Эргашга.

Бўка тумани хўжаликлараро бўрдоқчилик корхонаси, Сизга шуни ёзиб маълум қиладик, 13 октябрь 1990 йил кеч соат 1—2 ларда Жамбул номли колхоздан Отаев Акбар ва Арзиев Шокирлар базанинг қўй фермаси ичига кириб, қўй ўғирлаётган вақтларида қўйчилик фермасининг бригадир ўғли Саримсоқов Умирзоқ томонидан қўлга туширилди. 13 октябрь кунига қадар 50 бош қўй ўғирланган. Тирик вази 2 тонна баланс баҳосида 4500 сўм. Зарарни Акбар Отаев ва Шокир Арзиевлардан ундириб беришингизни ва Совет қонунларига мувофиқ чора кўришингизни сўраймиз.

Хўжаликлараро бўрдоқчилик корхонасининг директори — имзо А. Сотиболдиев».

Қоғозга имзо чекаётганида директор нималарни ўйлаган экан-а? Ҳар ҳолда бу кўпроқ ўзинга тааллуқли эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган кўрилади. Шунга айтган бўлсалар керакда: «Ҳар ким ўз айбини билса, ёрилиб ўлади». — деб.

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.

ҒУНЧАНИ ХОР ЭТДИЛАР

Шаҳватга эрк берганлар ёвузликнинг ҳам тизгинини бўшатсалар, демак, улар инсон зотидан эмас!

— Исмнинг нима, қизча?

Кеч туша бошлаганидан кўрқувда қолган Лариса кўчани тўлдириб қийқиришайтган йигит-қизлар тушига хавотир аралаш қаради.

— Нега бу ерда бир ўзинг хафаҳол турибсан? Исмнинг айтмадинг-ку, — деганча тўддан бир қиз ажралиб, унга яқинлашди.

— Чиноздан келгандим, адашиб қолдим. Исмим Анжела, — деб жавоб берди Лариса. Негадир исмини яширди.

— Меники Таня. Тошкентдек катта шаҳарда ёлғиз юриш яхшимас. Юр биз билан.

Атрофга ёйилаётган шом қоронғуси Ларисани ўйлантирди. Ота-онаси уни бу ерларда юганини билмайди. Рухсатсиз чиқиб келаверган. Нима қилса экан? Ўзига мулоийгина жилмайган кўйи тикилиб турган қизга бир қараб қўйди. Емонлик аломатини сезмади.

— Майли.

Семённинг ота-онаси дам олишга кетган. Уйда ўзи ёлғиз. Телефон қўнғироғидан дили ёришгандек бўлди. Чаққонлик билан дастани кўтарди.

— Алло, Семён, ўзингмисан? Бу мен — Эдикман. Ишлар қалай?

— Емон эмас.

— Менга қара, жиян, уйингда ҳеч ким йўғ-а?

— Йўғ.

— Майлими бугун сеникига борсак? Барибир зерикиб ўтирибсан-ку.

— Албатта, бемалол.

— Баракалла. Меҳмонимиз ҳам бор. Исми Анжела! Хўп, кўришгунча!

Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас тасир-тусур «оломон» тўртинчи қаватга кўтарилди. Семён уларни хушхандон қабул қилди. Меҳмоннавозлик бошланди. Магнитофондан шўх қўшиқ янгради, қоматлар қилшиллади. Ичкиликнинг чегараси бу-

зилди. Тун ярим кечадан оққан. Ҳамма сармаст. Икки жинс ҳам ўзлигини йўқотган. Йигитлардан бири — Тен гарангсиб қолган Ларисага яқинлашиб, қаттиқ қучоқлади. Қизча кескин қаршилик кўрсатди. Бефойда. Ҳирс билан кучланган йигит уни даст кўтарганча қўшни хонага юрди. Кучли тана остида қолган қизалоқ онгсизларча чиққирдию ўчди. Шаҳвоний ҳансираш анчага-ча давом этди...

— Хоҳловчилар бўлса, марҳамат, кирсин, — деди хонадан дармонсизланиб чиққан Тен. Чала-ярим ухлаб ётган дўстлари унинг гапига эътибор беринмади.

Лариса еса ҳиқиллай-ҳиқиллай ухлаб қолди.

Тонг отди. Уйқудан куч йиғиб турган Тен шаҳват ҳиссининг тизгинини яна бўшатди. Хонага кириб, Ларисани эзгилай бошлади. Нозик вужуд кучсиз-кучсиз тўлғонди. Қочиб балконга чиқди.

— Одамлар, ёрдам беринглар! — Лариса бор овозда бақира бошлади.

— «Шитр»ни беринглар, мен уни... — деди Тен уйдагиларга бақириб.

Улим исини сезгандек, Лариса ўзини пастга отди. Ишнинг бўндай тус олишини кутмаганлар тум-тарақай қочдилар.

Тунги машабадан воқиф, аммо лоқайд қўшиллар секингина деразалардан мўраладилар. Пастда қизнинг танаси қизил қонга беланиб ётарди.

Кўп ўтмай жиноятда иштирок этганларнинг деярли ҳаммаси қўлга олинди. Фақат асосий жиноятчи — Тен исзис йўқолди. Жиноят иши вақтинча тўхтатилди. Орадан кўп эмас, оз эмас, икки йил ўтгач, Акмал Икромов тумани ИИБ ЖҚБ ходимлари жиноятчини қўлга олдилар. Тергов ишлари қайтадан бошланди.

Ларисанинг умридан берган экан, ногирон бўлса-да, тирик қолди.

Шовқиддин САМИЕВ, Тошкент шаҳар ИИБ матбуот маркази ходими.

БИЗНИНГ «ҲОЖИ БУВА»

Шифокорга тани оғриган, милиция ходимига тан жароҳати олган, дили вайрон бўлганлар мурожаат қилишади.

Уртачирчиқ тумани ИИБда Абдусамат ака Мўминқулов, мана неча йилдирки, самарали меҳнат қилиб келмоқда. Мисрда дам олиб келгани ҳақида гапириб қолдилар. Шушу бўлимдагилар уни кези келганда: «Ҳожи бува», — дейишадиган бўлди. Ҳозир Ҳожи буваимиз ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимига бошлиғи. Уз хизматини севувчи, бу йўлда чарчоқ нималигини билмайдиган раҳбардир. Айниқса, миллий низолар кўтарилган вақтда кечаю-кундуз белгиланган жойдан бир қадам нари кетмадилар. Ешлар билан ёнма-ён туриб, вазиятнинг кескинлашувига йўл қўймадилар. Бугунги кунда Абдусамат ака жиноятнинг пайини қирқши учун бор кучини сарфламоқда. Қўл остидаги ходимларга талабчан ва адолатли.

Бундан ташқари жамоат ишларида ҳам фаол. 6 фарзанднинг отаси.

А. Мўминқулов бошқараётган бўлимига ходимларининг меҳнатлари туфайли туманда жиноятчиликнинг олдини олиш иши янада яхшиланишига ишонамиз.

Х. ИНОЯТОВ, милиция капитани.

РЕЖАЛАР БАРБОД БЎЛДИ


Қувасой цемент комбинати ишчиси М. Арзиев ўзи меҳнат қилаётган корхонадан 100 дона шиферни 200 сўмга сотиб олди.

Кейин қурилиш соҳасида анқонинг уруғи бўлиб кетган бу мақсулотларни Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида истиқомат қилаётган А. Юсуповга 1 минг 480 сўмга пуллади. Нақд 1 минг 280 сўм фойда кўрган «ишбилармон»нинг оғзи қўлуғида эди. Лекин бу қувонч узоққа чўзилмади.

М. Арзиевнинг шериги Мўминжон Юсупов ҳам бўри бўрдан ортада қолса, қўлуғини кесади, нақлига амал қилди. 300 дона шиферни корхонадан 308 сўм 70 тийин тўлаб, «ўзиники» қилиб олди. Кейин эса Олтинкўл туманили Низоми Еқубовга бериб юбормоқчи бўлди. Албатта, текинга эмас, 1 минг 800 сўмга!

БХСС вакиллари бу режани ҳам барбод қилишди.

Раҳимжон РАХИМОВ,



ТҲЙИНГИЗ МУБОРАК, НАВОИЙ БОБО!

БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ

ЧИҚСА ЖОН ТАНДИН МАГАР...

Улуғ бобомиз Низомиддин Мир Алишер Навоий туркий (ўзбек) тилининг бой ва кўркем эканлигини ҳам илмий, ҳам ижодий исбот этиш билан бирга, форс-тожик тилларида ҳам қатор нафис ва бетакрор асарлар яратганликлари маълум. Шулардан бири Фоний тахаллуси билан битилган «Девон»дир.

Қуйида улуғ бобомизнинг заргарлик растаси — «Девони Фоний»дан бир ғазални келтириб, унинг таржимасини баҳоли қудрат, қисқача шарҳласак.

ҒАЗАЛ

Меравад сарви ману рафтор мемонад ба дил,
В-аз гули рухсори у сад хор мемонад ба дил.
Жон чу аз тан шуд бурун, дар дил намемонад фиғон,
Дар фиғони ў фиғони зор мемонад ба дил...
Рост чун тийре, ки захмаш монд чун аз дил гузашт,
Меравад қаддаш в-аз ў озор мемонад ба дил.
Чун мусофир к-ў дирам дар хона мадфун карду рафт,
Доғи пинҳоне аз ў бисёр мемонад ба дил.
Ҳам ба захми ҳар яке шодам, агарчи дур шудан,
Хорҳо з-он саври гулрухсор мемонад ба дил...
Он пари аз хонаи чашма ба сурат гар равад,
Нақши ў чун сурати девор мемонад ба дил.
Фоний, з-он кофират набвад халосӣ, к-ат ба ҳажр,
Аз хаёли кокулаш зуннор мемонад ба дил.

ТАРЖИМАСИ:

Маним сарвим кетур, аммо кўнгулда рафтори қолур,
Анинг гул чехрасидин ҳам юзлаб тикан-хори қолур.
Чиқса жон тандин магар, ки дилда қолмайдур фиғон,
Фиғоқидин анинг дилга фиғон бирла зори қолур...
Дилни тешгон тўғри ўқнинг захми колгонлигитек
Ки, кетур қадди анинг, лек кўнгулга озори қолур.
Хонасиға танга кўмғону кетгон мусофир киби
Андин дилимга ёшурун доғларин бисёри қолур.
Гарчи йироқ кетди ўзи, мен сарафроз ҳар захмидин,
Чунки дилда тикон санчқон сарвини гулрухсори қолур...
Ул пари гар кетса кўзлар уйдин бир сурат бўлиб,
Нақши дил девори уза бир сурат қатори қолур.
Фоний, ул кофурингдин асло халос бўлолмассен,
Ҳажрида ҳам ёр ёдининг зулфи зуннори қолур.

1-байт (матлаъ):

Маним сарвим кетур, аммо кўнгулда рафтори қолур,
Анинг гул чехрасидин ҳам юзлаб тикан — хори қолур.
Яъни: менинг тик қоматли (мағруб) севгилим кетгани билан кўнглимда унинг (оёғин) излари қолади; унинг гул каби чехраси (кетса ҳам) бу гулюздан юракда юзлаб тикон қолади.

2-байт:

Чиқса жон тандин магар, ки дилда қолмайдур фиғон,
Фиғоқидин анинг дилга фиғон бирла зори қолур.
Яъни: агарда жон танамдан чиқса (ўлсам), юрагимда фиғон қолмасди (ачинмаган бўлардим); Лекин уйдан (ёрдан) айрилсам, юрагимда фиғону зор қолади.

3-байт:

Дилни тешгон тўғри ўқнинг захми колгонлигитек
Ки, кетур қадди анинг, лек кўнгулга озори қолур.
Яъни:
(Ўқдек) қоматли ёр кетаверади, лекин тўғри ўқ юракни жароҳатлагани каби (унинг ортидан) озор (оғрик) қолади.

4-байт:

Хонасиға танга кўмғону кетгон мусофир киби
Ундан дилимга ёшурун доғларин бисёри қолур.
Яъни:
Кўнглим ёрнинг хонасидир, у (уйига танга кўмган мусофирдек) кетди, аммо юрагимда унинг (кўмган тангалари) жуда кўп яширин доғлари қолди.

5-байт:

Гарчи йироқ кетди ўзи, мен сарафроз ҳар захмидин,
Чунки дилда тикон санчқон сарвини гулрухсори қолур.
Яъни:
(Ёр) ўзи узоққа кетди, лекин мен унинг ҳар бир захми (юрагимга солган доғи)дан хурсандман, чунки дилимга санчилган тиканлар билан бирга (хогира бўлиб) юзи гул сарв (севгилим)нинг сиймоси қолди.

6-байт:


Ул пари гар кетса кўзлар уйдин бир сурат бўлиб
Нақши дил девори уза бир сурат қатори қолур.
Яъни:
У пари кўзларимдан (узоққа) кетгани билан унинг нақши (сиймоси) юрагим деворида муҳрланиб қолади.

7-байт:

Фоний, ул кофурингдин асло халос бўлолмассен,
Ҳажрида ҳам ёр ёдининг зулфи зуннори қолур.
Яъни:
Эй Фоний, у кофуринг (йўлдан урувчи кўзли ёринг)дан сира ҳам қутула олмайсан, ҳажрида (ўзи кетган чоғда) ҳам ёрнинг зуннорга (ўхшаш) сочларининг ёди қолади.

ЗУННОР-мусулмон мамлакатларида яшовчи маъжусий (оташпараст)ларнинг белга боғлаб (гоҳо бўйнига ташлаб) юрадиган рўмоли яъни, маъжусийлик белгиси).

Ғазални форсийдан таржима қилиб,
шарҳловчи Дилмурод САЙДОВ.



Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ
киши.
Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга
бўлғай шараф.
Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ
ишдур бужим,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф,
сен бир тараф.

Қардошинг эмас улки қўюб бош санга,
Давлат чоғи қилғай ўзни қўлдош
санга,
Ким қилди қатиглиғда вафо фош
санга,
Ул бўлди ҳақиқат ичра қардош санга.

Ниҳоний игна санчар ёрлардин
Адувваш новак афганлар кўп ортуқ.
Мунофиқ шева золим дўстлардин
Мухолиф таъб душманлар кўп ортуқ.

ЯХШИЛИКДАН НИШОНА

Бобо, бугун туркийзабон элимнинг қувончи беадад.

Бобо, бугун авлодингиз мустақиллик туғини боши узра баланд кўтарди.

Бобо, бугун ўзбегимнинг дол қадди, расо тортиди!

Бизни манқуртга айлант-ришмоқчи эди. Бошимизга мустамаलाка терисини кийди-ришганди. Ўтмишимизни унутгандик, алифбомиздан, тилимиздан маҳрум бўлаёз-гандик. Лекин айтинг,

.. Айтинг, ўзбегимнинг кими қолади,
Сизни ҳам унутса, Навоий бобо?

Унутаёзгандик! Туркий тилда битган осори-атиқаларингизни туркий болаларингизга таржима қилиб беришди. Сизнинг тилингиз «ғоят мураккаб, оддий одам

тушунмайдиган, асарларни ўқиб, идрок этиш учун мах-сус тайёргарлик керак» эмиш. Аммо, «Сода шайх»-ни ихлос билан ўргатишни эсдан чиқаришмадики, Сиз бизнинг наздимизда даҳрий бўлиб қолдингиз. Эътиқодингиздан мосуво қилгандилар. Бизни ҳам...

Неча йиллар давомида кимларга сажда қилдик? Кимларга сиғиндик? Қанча-қанча шохкўчаю жинкўчаларни кимлар забт этди? Сиз-чи, Сиз Ўзбекистоннинг қайси бурчида эдингиз? Бош эгиб турган ҳайкалингиздан бошқа нимангиз қолганди ўзбеклар, туркийлар юртида?!

Йўқ, қолганди. Бор эди. Мана ўша жой: «Театр оперы и балета имени А. Навои»... Унда Фарҳод чопонсиз, белбоғсиз «тоғ қазийди», унда Ширин Фарҳод қошига

яримланғоч чиқади!
Рухингизни бундай қийноқларга солгандан кўра унутганимиз, манқуртлашганимиз яхшимасиди? Биздан айри қолганингиз тузуқмасиди?!

Кечиринг, бобожон, жаҳолат оғушидаги ўй-хаёлларимдан тошиб чиқди бу саволлар. Сизни унутиб бўладими! Не қилай, дилим куйган, тилим куйган. Шукрки. Сиз ҳамон меҳр қуёши, миллат қуёши, умид қуёши бўлиб порлаб турибсиз.

... Бугун элингиз ўзлигини таниди, кимлигини англади. Бугун у озод! Бугун у мустақил!


Бугун унинг заминида қўшалоқ байрам!

Эркинлик туғи остида Сизнинг 550 йиллик тўйингизни ўтказаяпмиз. Бу яхшиликдан, қувончу шодликдан нишона, илк қадам. Илоҳим, бу йўлда қайта туртинмайлик.

Эркин САИФИДДИН ўғли.

НАВОИЙ

Худди чақмоқ мисол шиддатда,
Тизгин не билмаган хаёлим —
Гўёки сайёддан қочган
Мозийга олислаб учади Ҳирот.
Андуҳлар ёмғирдай ёғди
Исбним сувратлар занжирбанд
Ногаҳон эшигин очади тилсим,
Мен Она тилим деб танийман
Гулдек сатрларнинг некинлигини
Беш аср олисдан уфуради ел.
Писанда қилмайди ўзбекигини —
Навоий тилида сўйлаган бу эл!
Абдулла ТУРДИЕВ.



Бу йил жумҳуриятимиз аҳли буюк бобокалонимиз Алишер Навоий тавваллудининг 550 йиллигини қизғин нишонламоқда. Тошкент шаҳридаги 274-ўрта мактаб жамоаси ҳам бу тантаналардан четда қолмади. Қуйидаги суратларда ўқувчиларнинг ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий ҳаётига оид саҳна асарини ижро этаётганлиги ҳамда Алишер Навоий Давлат адабиёт музейининг илмий ходими Баҳодир Валиевнинг мактаб муаллимлар жамоаси вақилига совға топшираётганлиги акс этган.
Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.



Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан 26939 нусхада чоп этилди.